



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyul

122 n -son

Bog‘ot shaharchasi

“А.Навоий” худудида фаолият кўрсатаётган “Амин Рохмон ўгли Олимбой” фермер хўжалигига қўшимча узок муддатли ижарага ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида.

“А.Навоий” худудида боғдорчилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Амин Рохмон ўгли Олимбой” фермер хўжалиги бошлиғи А.Рахмоновнинг фермер хўжалигига қўшимча ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокими номига йўллаган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халк депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,53-моддаларига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “А.Навоий” худудида боғдорчилик йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган “Амин Рохмон ўгли Олимбой” фермер хўжалигига “А.Навоий” худудидаги туман ер захира фондидаги қишлоқ хўжалиги харитаси бўйича 649к-контурдаги умумий ер майдони 0,7 гектар, шундан 0,7 гектар узумзордан иборат бўлган ер участкасини қўшимча ижарага ажратиб бериш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси маъқуллансин.

2. “Амин Рохмон ўгли Олимбой” фермер хўжалиги (бошлиғи А.Рахмонов)га Боғот тумани ҳокимининг қарори билан ажратиб берилган 635, 540к, 764, 765, 766, 946к, 654к, 486к, 537к, 533к-контурлардаги жами 13,2 гектар, шундан 3,7 гектар мева боғи, 8,4 гектар узумзор, 1,0 гектар арик ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган

бошқа ерлардан иборат бўлган ер участкасига қўшимча 649к-контурлардаги умумий ер майдони 0,7 гектар, шундан 0,7 гектар узумзордан иборат бўлган ер участкаси билан умумий ер майдони 13,85 гектар, шундан 3,7 гектар мева боғи, 9,05 гектар узумзор, 1,0 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан билан банд бўлган ер участкаси қолган (34 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. “Амин Роҳмон ўғли Олимбой” фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиб берилиши муносабати билан Боғот тумани ҳокимининг қарори билан “Амин Роҳмон ўғли Олимбой” фермер хўжалигига ер майдони ажратиб бериш қисми ва ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев)га туман ҳокими билан “Амин Роҳмон ўғли Олимбой” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаш, рўйхатга олиш ва ер участкасини жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

5. “Амин Роҳмон ўғли Олимбой” фермер хўжалиги (бошлиғи А.Раҳмонов)га ажратиб берилган ер участкаси атрофларини бегона ўтлардан тозалаб бориш, ариқ бўйларига тут кўчатлари ўтказиш ва уларга қаровни белгиланган муддатларда амалга ошириш доимий вазифа қилиб белгилансин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев